

**Тижоратлаштириш ва тижоратлаштиришгача тайёрлаш лойиҳалари**

№	Лойиҳанинг номи:	Лойиҳа раҳбари	Ижрочи ташкилот	Молиялаштириш хажми (минг.сўмда)	Биргаликда молиялаштириш хажми - Cost sharing (минг.сўмда)	Кутилаётган натижа
1	Юқори тозаликдаги кичик қовушқоқлик карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш	Йўлдошов Ш.А.	Полимерлар кимёси ва физикаси институти	217 800,00	120 000,00	Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида "Promxim Impex" МЧЖ да импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган кўйи қовушқоқли юқори даражада тозаланган карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқариш йўлга қўйилади
2	Силга қарши "Биомайрин 600 мг" оригинал препарати	Шомуротов Ш.А.	Биоорганик кимё институти	997 358,90		Лойиҳа якунида "Биомайрин 600 мг" препаратининг якуний клиник синовлари ўтказилади, меъёрий ҳужжатлар (фармакопеа мақолалари ва регламентлар) тасдиқланади ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун Ўзбекистон Республикасини Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг руҳсати олинади
3	"Экустим" диуретик дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш»	Бекчанов Х.Н.	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти	583 350,00	95 200,00	"Экустим" препарати организмда суюқлик йиғилиб қолиши билан кечадиган касалликларни даволашда ишлатиладиган диуретик дори воситаси ҳисобланади. Диуретик дори воситалар асосан юрак-қон томир патологияларида қўлланилади. Ушбу лойиҳани бажарилиши натижасида "Экустим" препаратининг клиник синовларини ўтказиш, препаратни ишлаб чиқариш учун тасдиқланган корхона фармакопея мақоласи (КФМ) ва қайд қилиш гувоҳномасини олиш, капсула ва субстанцияни "Navkar Group" МЧЖ да ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш билан якунланади. (илова-2)
4	Метилен кўк билан сувда ерувчан целлюлоза ҳосилалари асосида кўп функцияли қоплама ишлаб чиқариш	Хегай Л.Н.	Тошкент тиббиёт академияси	374 400,00		Кўз жароҳатлари, юз-жағ жарроҳлиги ва жарроҳлик жароҳатларини даволаш учун таркибда метилен кўки сақлаган сувда ерувчан целлюлоза ҳосилалари асосида олинган кўп функцияли қопламанинг прототипини 25000 донаси саноат миқёсида ишлаб чиқариш.
5	Политравма билан беморларда таянчҳаракат тизими шикастларининг шошилинич остеосинтези учун янги маҳаллий универсал ташқи фиксацион аппаратни тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Валиев Э.Ю.	Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази	403 009,53		Лойиҳа натижасида травматик касалликнинг эрта госпитал босқичида политравма билан беморларни даволаш учун янги ёндашув ишлаб чиқилади. чаноқ ва узун найсимон суякларининг шошилинич остеосинтези учун техник ва клиник жиҳатдан янги бўлган универсал ташқи фиксацион аппаратнинг маҳаллий аналоги ишлаб чиқилади.
6	Пиллакашлик саноати чиқиндиларидан ғумбак ёғи ажратиб олиш технологиясини жорий этишга тайёрлаш	Комилова С.Д.	Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти Тошкент бўлими	392 000,00		Ғумбак ёғи ажратиб олиш технологиясини техник иқтисодий асосномалари ишлаб чиқилади ва жорий этишга тайёрланади. Ажратиб олинган ғумбак ёғини фармацевтика саноатида қўллаш бўйича ишлаб олиб борилади
7	Кавар ўсимлигини маданий ҳолда дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотларини қайта ишлаш	Мерганов А.Т.	Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази	273 000,00		Маринадланган консерва маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этилади. Дори воситалари тайёрлаш учун леофилизация технологиялари тадбиқ этилади. Тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозорни таъминлайди ва экспортга йўналтирилади
8	Ипак қурти ғумбагини жонсизлантириш ва қуритиш учун техника ва технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Сафаров Ж.Э.	Тошкент давлат техника университети	350 000,00		- инфракүз нур ва вибрация ёрдамида ипак қурти ғумбагини жонсизлантириш ва қуритиш учун энергия тежамкор ва паст ҳароратда ишловчи қурилма ясалади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади; - ипак қурти ғумбагини сифатли жонсизлантириш ва қуритиш техника ва технологияси.

9	Табиий ипақдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқариш такомиллаштирилган ресурстежамкор технологиясини жорий этиш	Ахунбабаев О.А. Мирзахонов М.	Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти	550 000,00	20 000,00	- Табиий ипақдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини амалга оширилади; - Табиий ипақдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратилади; - Табиий ипақдан янги турдаги тўқималар ва уларни ишлаб чиқариш учун бўғлашни оптимал параметрларини ишлаб чиқилади; - Табиий ипақдан янги турдаги тўқималар ишлаб чиқарилади ва хар 1 (бир) метр тайёр газламадан ўртача 18000-20000 сўм фойда олинади
10	Насос станциялари магистрал каналнинг қаттиқ лойқаларини олиб ташлаш учун турли муҳитларда ишлайдиган оқимли насослар	Хохлов А.В.	"Водоподъёмник" илмий ишлаб-чиқариш корхонаси	420 500,00	90 000,00	Изготовленный, внедрённый и апробированный образец струйного насоса, работающего на средах "жидкость-твёрдое тело" для удаления дренажных, сточных вход и твердых наносов магистральных каналов насосных станций, полностью готовый для широкого коммерческого внедрения
11	Гидроапорсиз ишлайдиган микро ГЭСларнинг ишчи органлари ва юритмаларини ишлаб чиқиш	Умурзақов А.Х.	Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази	500 000,00		- МикроГЭС ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг нархи анъанавий электр энергиясидан 2-3 баробар арзон бўлади. - Габарит ўлчамлари бўйича бир метр куб ҳажмдаги микроГЭС, оқим тезлиги 1÷2,5 м/с бўлганда, мос равишда 2÷20 кВт гача энергия ишлаб чиқаради. - Маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланадиган, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёр бўлади. - Қопланиш муддати 24 ой бўлиб, ундан кейин истемолчи деярли текин энергияга эга бўлади.
12	Боғ ораларига ишлов берадиган 40 о.к. тракторга қуроллар комплекти (плуг, плуг-юмшатгич ва чизель-культиватор)	Маматов Ф.М.	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти. "ВМКВ-Agromash" АЖ	1 025 000,00	100 000,00	Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 40 о.к. тракторга қуроллар комплекти (плуг, плуг-юмшатгич ва чизель-культиватор) лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади, уларнинг саноат намуналари тайёрланади, кенг дала синовлари ўтказилади ва фермер хўжалиқларига жорий этилади. 40 о.к. тракторга қуроллар комплекти (плуг, плуг-юмшатгич ва чизель-культиватор) кўплаб ишлаб чиқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланади ва "Чирчиқ қишлоқ хўжалик техникаси заводи" АЖ га топширилади.
13	Пиролиз қурилмалари асосида иссиқхоналарнинг энергия самарадор автоном иссиқлик таъминоти тизимини жорий қилиш	Узоқов Ф.Н.	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти	378 000,00	100 000,00	1. Иссиқхоналарнинг иситиш тизими учун пиролиз қурилмалари асосида маҳаллий биомасса ва углеводородли чиқиндилардан муқобил ёқилғи олиш технологиясини ўзлаштирилади. 2. 0,5 м3 ҳажмли пиролиз қурилмасида суткасига маҳаллий биомассадан 100-120 кубометр пирогаз (биогаз), 80-100 кг суюқ, 120-160 кг қаттиқ муқобил ёқилғилар олинади ва реакторнинг иккиламчи иссиқлигидан иссиқхонани иситиш юктамаси тўлиқ қопланади. Натижада пиролиз қурилмасида олинган муқобил ёқилғилар хусусий эҳтиёждан сўнг тўлиқ фойдага қолади. 3. 100 м2 иситиш майдонли иссиқхонада бир иситиш мавсумида қурилманинг хусусий эҳтиёжидан ортган, бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган 9000-9500 кубометр пирогаз олинишига эришилади. 4. Қурилмада иситиш мавсуми давомида қўшимча равишда 10,5-13,0 тонна суюқ, 15-21 тоннагача пиролиз маҳсулотлари (ёғоч кўмири) олинади.
14	Фермер ва дехқон хўжалиқлари учун кичик ҳажмдаги картошка ковлагич	Бойбобоев Н.Ф.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	495 000,00	80 000,00	Фермер ва дехқон хўжалиқлари учун кичик ҳажмдаги картошка ковлагичнинг саноат нусхаси ишлаб чиқилади, хўжалик ва давлат синовларидан ўтказилади ҳамда сертификатланади. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, Ўзбекистонга импорт ҳисобига кириб келаётган машиналарга эҳтиёж қолмайди.
15	Бир пасда пахта пояларидан 95-98% ҳосил йиғадиган пахта қутиларини интенсив қайта ишлаш учун экспорт йиғим-терим машинаси	Тошболтаев М.Т.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти	342 877,00		КИИБ терим аппаратининг 2 дона тажриба-саноат нусхаси ясалади, давлат синовидан ўтказилади, тижоратлаштириш учун ҳужжатлар тайёрланади
16	Тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислагич	Тўхтақўзиев А.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти	440 000,00		Лойиҳа амалга оширилиши натижасида тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислагичнинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади, унинг 2 (икки) дона саноат намунаси тайёрланади, уларнинг кенг дала синовлари ўтказилади ва фермер хўжалиқларига жорий этилади. Мола-текислагични кўплаб ишлаб чиқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланади ва "ВМКВ-Agromash" АЖ ларга топширилади.
17	Фермер ва дехқон хўжалиқлари учун кенг қамровли чизел култиватор	Мансуров М.Т.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	380 000,00		Лойиҳа амалга оширилиши натижасида юқори қувватли тракторлар билан ишлатиш учун кенг қамровли чизел-култиваторнинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади, унинг 2 (икки) дона саноат намунаси тайёрланади, уларнинг кенг дала синовлари ўтказилади ва фермер хўжалиқларига жорий этилади. кенг қамровли чизел-култиваторни кўплаб ишлаб чиқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланади ва "Чирчиқ қишлоқ хўжалик техникаси заводи" ҳамда "ВМКВ-Agromash" АЖ ларга топширилади.
18	Ғўза майдонларига трихограмма тарқатишнинг механизациялашган технологияси	Ражабов А.Х.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти	495 000,00		Техник воситасининг 9 дона (3 (уч) комп.) тажриба-саноат нусхаси тайёрланади

19	Толанинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш	Махкамоз А.М.	Наманган вилоят худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази	344 000,00		<p>Пахта толасини табиий хусусиятларини сақлаш ва чигит шикастланишини олдини олиш ҳисобига пахтани ҳаводан ажратиб олиш мавжуд сепараторларга қараганда тозалаш эффекти 10 % га ортиқроқни ташкил қилади. СС-15 маркали пахта сепаратори ишчи камерасига кириб келган пахта хом ашёсининг 25-30 % игина тўрли юзага бориб ёпишар, қолган 70-75 % и ишчи камера деворига урилиб, пастки қисмда жойлашган вакуум клапанига тушиб кетиши аниқланган.</p> <p>Бунда, янги сепараторнинг тўрли юзаси кириш қисмининг қаршида жойлашгани учун ишчи камерага кириб келаётган пахтанинг 85-90 % тўрли юзага бориб ёпишади. Қолган 10-15% ва пахта бўлақчаларини кетма-кет келиши натижасида бир-бирига урилиб ўз оғирлиги билан вакуум клапанига тушиб кетади. СС-15 маркали сепараторга тўрли юзасига 30 % пахта бориб ёпишганда тозалаш эффекти 7,5 % ни ташкил қилади деб олсак, у ҳолда янги сепараторнинг тўрли юзасига 85 % пахта бориб ёпишганда, янги сепараторнинг тўрли юзасига пахтанинг таъсирлашиши натижасида содир бўладиган тозалаш эффекти 21,25 % ни ташкил этади.</p> <p>Шунингдек, пахтани тўрли юзадан қирғичсиз вакуум шароитида ажратиб олиниши натижасида толаларнинг чанг ҳаво билан чиқиб кетиши I-II навлар учун 0,7 % дан 0,2 % га, III-IV-V навлар учун 3,78 % дан 2 % га, ҳамда толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 0,4 % га камаяди. Қурилманинг тўрли юзаси конвейер лента шаклида тайёрланган бўлиб, у қириш қисмининг қаршисига қия бурчак остида ўрнатилганлиги ҳисобига чигитларнинг механик шикастланиш даражаси сезиларли даражада камайишини кўрсатди. Ушбу таклиф этилаётган қурилмада тўрли юзага ёпишган пахта хом ашёсини вакуум шароитида ўз оғирлиги таъсирида ажратиб олинганлиги учун толанинг йўқотилиши яъни сохта жинлаш жараёни содир бўлиш эҳтимоли сезиларли даражада камайди.</p>
20	Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида эгат кўндаланг кесимининг турғун профилини ва лойиҳавий нишаблигини таъминловчи янги технология ва техник воситани яратиш	Матякубов Б.Ш.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти	350 000,00		Эгатларнинг барқарор профили ва лойиҳавий нишабликларини яратиш буйича техник восита (сугориш эгатларининг тубини зичлаш қурилмаси) ишлаб чиқарилади.
21	Пахта ҳосилини селектив териш учун мўлжалланган умумлаштирилган пахта териш машинасини лойиҳалаш, ишлаб-чиқариш ва сервис хизмати	Матчанов Р.Д.	"Технолог" АЖ	500 000,00	380 000,00	- фермер хужаликлар ва кластерлар учун умумлаштирилган пахта териш машинаси ишлаб-чиқарилиши "Технолог" АЖ ва бошқа манфаатдор корхоналарда узлаштирилади. "ТЕХНОЛОГ" АЖда 10 дона серияли умумлаштирилган пахта териш машинаси ишлаб чиқарилади. Пахта териш туликлиги 95%гача етказилади.

22	Тезюрар ва юқори тезликдаги поездлар ҳаракати участкаларида улоқсиз йўлларни ётқизиш технологияси	Мамадалиев А.Ю.	Тошкент давлат транспорт университети	320 000,00	120 000,00	Выполнение комплексов работ по укладке или замене рельсовых плетей бесстыкового пути без применения ручного труда в "окна" ограниченной продолжительности при оптимальных температурах закрепления рельсовых плетей по всей их длине. Выполнение работ с плетями бесстыкового пути повышенной длины на участках скоростного и высокоскоростного движения поездов с использованием существующего оснащения предприятий путевого хозяйства крановым и подъемно-транспортным оборудованием при максимальном сокращении продолжительности технологических "окон".
23	"Улоқсиз темир йўл участкаларида оралиқ рельс маҳкамлагичларининг ҳолатини диагностика қилиш	Хальфин Г.Р.	Тошкент давлат транспорт университети	351 000,00	120 000,00	-Комплексная оценка состояния промежуточных рельсовых скреплений для обеспечения устойчивости плетей бесстыкового пути в том числе на участках скоростного и высокоскоростного движения поездов. -Прогнозирование объемов и видов путевых работ по повышению эффективности работы скреплений в процессе их длительной эксплуатации. -Повышение уровня безопасности движения поездов за счет получения достоверной информации о состоянии рельсовых скреплений в условиях перехода путевого хозяйства на рельсовые плети бесстыкового пути повышенной длины. -Предложения по поставкам уникальных приборов и методик в страны эксплуатирующие промежуточные рельсовые скрепления типа Pandrol Fastclip.
24	Транспорт машинасозлиги учун локомотивнинг мураккаб конфигурацияли рама конструкцияларини тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Валиев М.Ш.	Тошкент давлат транспорт университети	423 543,54	420 000,00	- муҳандислик дастури ёрдамида мураккаб конструкцияли локомотив рамасини статик ва динамик синовдан ўтказиш технологияси ишлаб чиқилади; - хизмат муддатини узайтириш мақсадида тепловозни капитал таъмирлаш ва янгилаш учун локомотив рамасини статик ва динамик синовлари учун стенд яратилади; - синов натижалари асосида ушбу стендни транспорт машинасозлиги корхоналарида синов технологиясини амалга оширишга имкон берадиган тавсиялар ишлаб чиқилади
25	"Гулистон" ва "Сардор" навларининг тупроқ-иқлим шароитига мос оригинал уруғларини тайёрлаш	Исаков К.Т.	Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси	605 292,00		1.Нўхатнинг «Гулистон» ва тритикаленинг «Сардор» навларининг II-йил авлодларни синаш питомнигига экиш учун 450-500 та авлодлар танлаб олинади. 2. Нўхатнинг «Гулистон» тритикаленинг «Сардор» навларининг 300-400 та авлодлар танлаб олинади бу авлодлардан 250-400 кг уруғ тайёрланади ҳамда I-йил кўпайтириш майдонида ўтказилади. 3. I-йил кўпайтириш майдонидаги 4-5 гектар нўхат ва тритикаленинг гектаридан 8-15 ц/га ҳосил олинди, 3200-7500 кг оригинал уруғ тайёрланади ҳамда II-йил кўпайтириш майдонида ўтказилади. 4. II-йил кўпайтириш майдонидаги нўхат ва тритикаленинг 35-52 гектардан 8-15 ц/га ҳосил олинди, 28,0-78,0 тонна оригинал уруғ тайёрланади ҳамда агрокластер ва фермер хўжаликларга жорий қилинади.
26	Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини тозалаш учун универсал қурилмани тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Ражабов А.Ҳ.	Тошкент кимё-технология институти; Бухоро муҳандислик-технология институти	473 200,00		Арзон, қулай, кенг тармоқли, энергия тежамкор, иқтисодий самарадорлиги юқори, донни минерал ва органик аралашмалардан 98%гача тозалаш имкониятига эга ва донларни массасига кўра фракциялаш асосида сифатли уруғларни ажратиш, сифатли ун ва ун махсулотлари олиш учун тегирмонларнинг иш режимини тугри танлаш имкониятини беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин уруғларини тозалайдиган ва массасига кура фракцияларга ажратилганда махсулотнинг тан нархини оширилишига олиб келувчи "Универсал комбинацион сепаратор" яратилди.
27	Кузги бугдойнинг Қорақалпоғистон Республикаси ташқи муҳитининг стресс омилларига бардошли дон сифати кучли ва баҳоли бугдойларга мос юқори ҳосилдорли навлари	Абдуллаев Б.У.	Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси	345 000,00		Лойиҳада режалаштирилган ишларни амалга ошириш орқали энг яхши сифат кўрсаткичларига эга, шўрга ва совуққа бардошли юқори ҳосилдорли нав танлаб олинди унинг бирламчи уруғчилигини йўлга қуйиш орқали худудимизда кузги бугдойнинг дон ҳосилини 15-20% кўтаришга ва нонбоблик сифатини кескин яхшилашга ҳечқандай қўшимча ҳаражат ишлатилмасдан эришувга имкон яратилади.

28	Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тозалаш учун универсал қурилмаси	Росабоев А.Т.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий- тадқиқот институти	400 000,00		Қишлоқ хўжалик экинлари уруғи ва дук- какли экинлар донини ҳар хил аралашма- лардан тозалаш учун универсал қурилма- нинг 2 (икки) дона тажриба-саноат нусхаси тайёрланади
29	Майда уруғли сабзавот экинларини экадиган экиш машинасининг илмий асосланган ишчи органлари	Турдалиев В.М.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	486 700,00		Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган машинанинг саноат нусхаси ишлаб чиқилади, хўжалик ва давлат синовларидан ўтказилади ҳамда сертификатланади. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, Ўзбекистонга импорт ҳисобига кириб келаётган машиналарга эҳтиёж қолмайди.
30	Фотоэлектрик модул ва ясси қуёш сув иситиш коллекторларини синаш учун автоматлаштирилган синов стендларини ишлаб чиқиш	Ахадов Ж.З.	“Қуёш энергияси халқаро институти” МЧЖ	450 000,00		Лойиҳани бажариш асосида қуйидаги учта йўналиш натижага эришилади: 1) Фотоэлектрик модул ва ясси қуёш сув иситиш коллекторлари синаш учун автоматлаштирилган синов стендларини кичик серияда ишлаб чиқиш йўлга қўйилади; 2) Қуёш энергияси халқаро институтида барпо этилган фотоэлектрик модулларни синовдан ўтказиш лабораторияси аккредитациядан ўтказилади; 3) Ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрланади. Технология номи: Фотоэлектрик модул ва ясси қуёш сув иситиш коллекторлари автоматлаштирилган синов стендлари.
31	Қуёш радиацияси, шамол тезлиги ва йўналиши, ҳаво ҳарорати, ёнғингарчилик миқдорини ўлчаб бориш метеостанциясини кичик серияда ишлаб чиқаришни	Ахадов Ж.З.	“Қуёш энергияси халқаро институти” МЧЖ	480 000,00		Қуёш радиацияси, шамол тезлиги ва йўналиши, ҳаво ҳарорати, ёнғингарчилик миқдорини ўлчаб бориш метеостанциясини кичик серияда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
32	Қуёш технологиялари асосида электромобилларни юқори тезликда зарядловчи қурилмасини ишлаб чиқиш ва яратиш	Матчанов Н.А.	“Қуёш энергияси халқаро институти” МЧЖ	500 100,00		Лойиҳани бажариш асосида қуйидаги учта йўналиш натижага эришилади: 1) Қуёш технологияларини қўллаб электр транспорт воситаларни юқори тезликда зарядловчи станцияси ишлаб чиқилади ва барпо этилади. Бошқарув дастурий таъминот ишлаб чиқилади; 2) Техник ҳужжатлар, йўриқномалар, илмий-тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади; 3) Тажрибавий намунаси тижоратлаштирилади ва республикада ўрнатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон ҳудудида электр транспортларини зарядлаш қурилмаларини дастлабки ўрнатиш схемаларининг асосланган намунаси ишлаб чиқилади.
33	Маҳаллий пробиотик озуқа ем қўшимчаларини ва ем турларини ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Қутлиева Г.Д.	Микробиология институти	475 758,80		Лойиҳани амалга ошириш натижасида маҳаллий хом ашё ва пробиотик бактериялар асосида чорвачиликнинг барча соҳалари учун ихтисослашган озуқа қўшимчалари ва ем турлари ишлаб чиқилади. Тажриба синов намуналари ишлаб чиқарилади.
34	Одам ошқозон ярасини олдини олиш (Лактопрополис) ва қондаги шакар миқдорини камайтириш хусусиятига эга пробиотик озуқага биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш	Миралимова Ш.М.	"AllWellLab" МЧЖ	149 300,00	157 000,00	Лойиҳа бажаралиши натижасида Лактопрополис озуқага биологик фаол қўшимчаси ва диабетга қарши пробиотик биологик фаол қўшимчалари тижоратлаштиришга тайёр бўлади ва ишлаб чиқарилади
35	Фитобиосол биопрепаратини тижоратлаштириш	Давранов К.Д.	Микробиология институти	407 088,75		Тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик тоза маҳсулот етиштириш
36	Саноат оқава сувларини тозалаш учун катионит	Юсупов Ф.М.	"Sirt Faol Moddalar" МЧЖ	1 187 000,00		Импорт ўрнини босувчи катионит саноатда қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш оқава сувларини оғир тузлардан тозалаб сувнинг қаттиқлик даражасини бир неча баробар камайтиради.
37	Маҳаллий хом ашё асосида натрий сульфид ишлаб чиқаришни-ташкил қилиш.	Юсупов Ф.М.	“Кимёвий технология” МЧЖ	1 170 000,00	100 000,00	Водород сульфиддан натрий сульфид ишлаб чиқариш технологияси яратилади
<b>Жами:</b>				<b>18 035 278,51</b>	<b>1 902 200,00</b>	

1	Табиий ипақдан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш	Алимова Х.А.	Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти	498 000,0		<ul style="list-style-type: none"> <li>- Сурхондарё ва Андижон вилоятларида турли мавсумларда етиштирилган пиллалардан “ЗА” синфига мос хом ипак олишни технологик режимлари ишлаб чиқилади ва корхона шароитида синаб кўрилади.</li> <li>- Эшилган иплар учун техник талаб ишлаб чиқилади, стандартлаштирилади.</li> <li>- Юқори бурамларга эга хом ашё тайёрлаш усулида яратилган иплардан янги тайёр ипак маҳсулотлари намуналари ишлаб чиқилади.</li> <li>- Яратилган технологияда олинган ипак докасидан қадоқлаб стерилланган тиббиётда ва кундалик ҳаётда қўлланиладиган салфеткалар олинади.</li> <li>- Ипак ипларини штапеллаб тайёрланган хом ашёдан табиатдан ҳимояга эга бўлган қимматли қоғоз намунаси олинади.</li> <li>- Янги сотиб олиб ўрнатиладиган ва кафедралардаги мавжуд дастгоҳлар, тут дарахтлари борлигини инобатга олиб мини “Ипак кластер” – “Талабалар технопарки” яратишни ҳам режалаштирилган.</li> <li>- Ҳар бир килограмм хом ипакни сотмасдан, қайта ишлаб тайёр мато, либос ишлаб чиқиб сотишдан қўшимча фойда 20-40% гача; ипакни пахта, жун, полиэтер тола ва ипларига қўшиб трикотаж буюмларини ишлаб чиқариб сотишдан фойда 1,5-2 баробар бўлиши мумкин.</li> </ul>
2	Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ Сурхондарё илмий тажриба станцияси селекциясига мансуб сабзавот экинлари янги навларининг юқори сифатли, навдор уруғларини ишлаб чиқариш, ички бозорга ва экспортга чиқариш	Арамов М.Х.	Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станцияси	375 634,0	9 000,00	Лойиҳани амалга ошириш натижасида сабзавот экинлари янги навларининг юқори сифатли навдор уруғлари тайёрланади ва республикадаги сабзавотчилик хўжаликларига етказиб берилади. Тайёрланган уруғларнинг бир қисми контракт асосида экспортга чиқарилади.
3	Кутблар сони ўзгарувчан чулғамли мотор асосидаги турбомеханизм қурилмасини яратиш	Бобожанов М.Қ.	Тошкент давлат техника университети	450 000,0		Кутблар сони ўзгарувчан чулғамли икки тезлик мотор асосидаги қурилмани қўллаш орқали электр энергияси ва табиий ресурсларни тежаш.
4	Янги техник ечимларни қўллаш орқали энергия ва сув хўжалиги тизимидаги сув олиш ва сув чиқариш иншоотлари қайталанувчи гидравлик энергиясидан фойдаланишнинг самарадор технологияларини тижоратлаштиришга тайёрлаш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш	Х.А.Кучинов	Тошкент давлат техника университети	350 000,0		<ul style="list-style-type: none"> <li>*Қурилманинг асосий техник ва масса-габаритли параметрлари ишлаб чиқилади (3 турдаги конструкциялар)</li> <li>* Яқин ва узоқ чет давлатлари бозорларидаги истеъмолчилар аниқланади</li> <li>* Қурилмани ишлаб чиқариш учун унификацияланган ишчи ҳужжатлар тайёрланади</li> <li>*Тажриба-саноат намуналари ишлаб чиқарилади</li> <li>* Қурилмани техник эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш учун норматив ҳужжатлари тайёрланади</li> <li>* Полигонда ҳақиқий тажриба синовларни ўтказилади ва паспорти тузилади.</li> </ul>
5	Такрорий экинлар уруғини экадиган комбинациялашган қурилмани лойиҳалаш ва тижоратлаштиришга тайёрлаш	Эргашев И.Т.	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	550 000,0		Комбинациялашган қурилма макет нусхаси, такрорий экинларни экишда сув ва энергия тежамкор технология, комбинациялашган қурилманинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари, такрорий экинлар экиш муддати камида 10 кунга қисқаради, сув сарфи 20%гача, экиш учун ёқилги сарфи 50%гача камаяди, ерларни экишга тайёрлаш ва экишда меҳнат унумдорлиги 2 баробаргача ошади.

6	Марказий (умумий) электр тармоқларига қуёш фото-электрик тизимларни жорий этишни амалга ошириш йўналишлари, ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлаш	Матчанов Н.А.	"Қуёш энергияси халқаро институти" МЧЖ	350 500,0	Лойиҳани бажариш мобайнида қуйидаги натижаларга эришилади: - Қуёш фотоэлектрик станциясини электр тармоғига улаш учун техник талаблар ва унинг техник иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилади; - Фотоэлектрик станцияларни марказий электр тармоғига улашнинг методикаси ва лойиҳалаштириш дастурлари ишлаб чиқилади; Ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрланади.
7	Шўрланган тупроқларда ширинмия илдиз маҳсулдорлиги ошириш ва илдиз тизимини қайта ишлаш технологиясини ўзлаштириш	Қўшиев Х.Х.	Гулистон давлат университети	467 282,00	Шўрланиш туфайли фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларида ширинмия планатацияларини ташкил қилиш ва илдиз маҳсулдорлигини ошириш бўйича технология фойдаланиш/тадқиқ этишга тавсия этилади. Яратиладиган ширинмия плантациялари асосида биринчи йилда тупроқ шўрланишини 10%га, иккинчи йилда 25% га, учинчи йилда 35%га камайтириш имконияти юзага келади. Учинчи йилдан бошлаб илдиз массасини йиғиб олиш ва ички ҳамда ташқи бозорга хом ашё сифатида сотиш асосида фойдаланилмаётган ер майдонларидан қўшимча даромад ва иш жойлари яратилади: 1 кг илдиз массаси – қайта ишловчиларга 800-1200 сўмдан сотилади, илдиз массасини қайта ишлаш асосида олинадиган ярим тайёр маҳсулот (экстракт) – 1 т учун 5000-6000 АҚШ доллари. Ширинмия илдиз тизимини қайта ишлаш асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини авжантирувчи стимуляторлар (глицирризин кислотанинг фитогормонлар-глиннац, глинбут, глицин, глиннаф) билан супрамолекуляр комплекслари), замбуруғли касалликларга қарши самарали таъсир этувчи фунгицидлар ва ташқи стресс омилларга чидамлилигини оширувчи индукторлар (глицирризин кислотасининг мисли ва рухли тузлари) ҳамда уларни олиш технологиялари тавсия этилади. Стимулятор ва фунгицид сифатида уруғликка шлов бериб экишда 7500-8000 сўм/гектар, бошқа олиб келиб ишлоқ бериладиган препаратлардан 2-2,5 марта арзон ҳамда ҳам стимулятор-фунгицид ва индуктор сифатида таъсир қилиш хусусиятига эга бўлади. Тавсия этиладиган препаратлар етиштириладиган ширинмия илдизи ва яшил массасини қайта ишлаш асосида тайёрланади. Препаратлар етиштириладиган маҳаллий табиий хом ашё асосида тайёрланиши сабабли қишлоқ хўжалигида (уруғлик чигитга, бугдойнинг уруғлик дониغا ишлов беришда) қўлланилаётган препаратлардан экологик хавфсизлиги, 2-3 марта арзонлиги билан афзалликларга эга.
<b>Жами:</b>				<b>3 041 416,00</b>	<b>9 000,00</b>
1	Қашқарбедани бошоқли экинлар билан аралаш ҳолда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш	Аллашов Б.Д.	Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти	500 000,0	Лойиҳани амалга ошириш орқали, яъни қашқарбедани бошоқли экинлар аралашма ҳолда экиш технологиясини жорий этиш орқали ҳар бир гектар ердан 10 тонна озуқа бирлиги етиштириш имконияти яратилади
2	Турли тупроқ иқлим шароитларида касаллик ва зараркунандаларга чидамли озуқабоп лавлагининг "Ўзбекистон-83" нави бирламчи уруғчилигини ташкил этиш	Аллашов Б.Д.	Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти	500 000,0	Лойиҳани амалга ошириш орқали, хашаки лавлагининг юқори авлод уруғлари етиштирилади. Чорвадор фермерлар хашаки лавлаги уруғига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади, илдизмева учун экиб ҳар бир гектар ердан 1000 ц илдизмева ҳосили ёки 0,12 озуқа бирлигидан ҳисобланганда 12,0 тонна озуқа бирлиги олиши мумкин бўлади. Илдизмева ҳар бир кг вазни 200 сўмдан ҳисобланганда ҳам ҳар бир гектар ердан олинган 100 тонна илдизмеванинг ўзи 20 млн бўлади.
3	Жайдари "меринос" зотли қўй ва "ангор" зотли эчкиларнинг сермаҳсул генотипларини яратиш, гўштдор ва жундор қўйларнинг генофондини сақлаш ва кўпайтириш	Рўзиев Н.Р.	Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти	600 000,0	Жайдари ва гўштдор-сержун "меринос" зотли қўйларнинг сермаҳсул генотипларини яратиш ҳамда гўштдор-жундор қўйларнинг генофондини сақлаш ва кўпайтириш орқали, сермаҳсул қўйларнинг насли сурувлари яратилади ва жорий этилади. Республикамизда жун саноати учун жаҳон бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош қўйлар етиштирилади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида гўштдор-сержун (меринос) зотли қўйларнинг маҳсулдорлик хусусиятларига ирсий, паратипик омилларнинг таъсири аниқланади, сермаҳсул сурувлар яратилади ва жорий этилади. Тармоқ самарадорлигини оширишни таъминловчи такомиллашган селекцион усуллар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш асосида, гўштдор-сержун (меринос) қўйлар сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштирилади гўшт ва жун ишлаб чиқариш самарадорлиги 30-32 фоизга оширилади
4	Чорва моллари учун ноанъанавий усулда силос яратиш	Мўминов М.М.	Андижон тажриба кўргазма майдони	400 000,0	Мазкур лойиҳа асосида янги турдаги ем-озуқа яратилиб, Оҳангарон туманида уни кенг қўламда жорий этиш орқали силос миқдорини ҳар бир гектар ҳисобига 3 мартага кўпайтириш ва силосдаги протейн миқдорини 3-4 марта орттиришга имкон беради, бу эса озуқа таннархини кескин камайтиришга олиб келади. Ем-озуқа соҳасидаги дефицитлик ечими топилиб, чорва учун ажратилган ер масштаби тежаллади .
<b>Жами:</b>				<b>2 000 000,00</b>	
1	Импорт ўрнини босувчи иссиққа чидамли керамик шарларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш технологияси.	Файзиев Ш.А.	Материалшунослик институти таъсисчилиги асосида ташкил этилган "Керамик Қуёш" МЧЖ	1 000 000,0	Ушбу лойиҳа олтингургурт ишлаб чиқариш учун технологик қурилмаларда ишлатиладиган ва импорт ўрнини босувчи инерт, керамик, иссиқликка бардошли шарларни ишлаб чиқаришни тижоратлаштиришни мақсад қилган, шунингдек цеолитли қуриштириш ва табиий газни олтингургурт бирикмаларидан тозалаш мақсадларига ҳам йўналтирилган. Ушбу лойиҳани амалга оширилиши Ўзбекнефтегаз ташкилотларидаги газни тозалаш ва қайта ишлаш жараёнидаги муаммоларан хал бўлишига олиб келади. Асосий йўналишлари рақобатни ривожлантириш ва бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш бўлган ва Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга мувофиқ, рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятида иш олиб борилади. Ҳар хил ўлчамдаги керамик инерт иссиқликка бардошли шарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қуйидагиларга имкон беради: - "Ўзбекнефтегаз" АЖ корхоналарининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва импортни олдини олиш; - Шарларни Марказий Осиё минтақаси мамлакатларига экспорт қилиш имкониятларини очиш; -30 га яқин ишчи ўринларини қишлоқ шароитида ташкил қилиш.
2	Тошқазган кони маъданидан электротехника, металлургия ва кимё саноатида фойдаланишга яроқли бўлган графит бойитмасини олиш	Мирзаев А.У.	Фанлар академияси Навоий бўлими	249 423,86	Графит концентратининг техник хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари, меъёрий-техник ҳужжатлар (МТХ) ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, патентга талабнома топширилади, мақолалар эълон қилинади. Бундан ташқари электротехника, металлургия ва кимё саноати стандартларига жавоб берадиган графит бойитмасини саноат-тажриба намуналарини ишлаб чиқарилади; - Техник ҳужжатлар тайёрланиб, патент олишга расмийлаштириш учун топширилади; - Олинган илмий натижаларни умумлаштириб, техник шартни ва регламентни ишлаб чиқиб, яқуний хисобот тайёрланади.
3	Полиардез - Дезинфекция қилувчи нанотузилмавий эритманинг технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	Юнусов Х.Э.	Полимерлар кимёси ва физикаси институти	1 000 000,0	Дезинфекцияловчи ва антисептик хоссага эга полимер таркибли "ПОЛИАРДЕЗ" воситасини ишлаб чиқариш технологияси яратилади ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

4	Кумуш нанопарчалари асосидаги бактерицид буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш	Сарымсаков А.А.	Полимерлар кимёси ва физикаси институти	200 000,0		- Таркибида кумуш нанозарралари тутган бактерицид ички кийимлар (пайпоқ) меъёрий техник ҳужжатлар (Технологик регламент, ташкилот стандарти, Техник иқтисодий асоснома, бизнес режа,) лойиҳалари ишлаб чиқилади, келишилади ва рўйхатдан ўтказилади ҳамда бактерицид пайпоқларнинг ишлаб чиқариш технологияси яратилади ва саноат тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.
5	Тупроқ хоссаларини яхшилаш ва тамаки ҳосилдорлигини ошириш учун мулчалаш агротехнологиясини жорий этиш	Холиқулов Ш.Т.	Самарқанд давлат университети	485 141,3		Эрта ва сифатли тамаки маҳсулоти етиштириш технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бунинг натижасида юқори ва сифатли ҳосил олиш фермерлар амалиётида ўз ўрнини топади.
6	Тиббиёт чиқиндиларини термик усулда зарарсизлантириш қурилмаси	Саттаров М.Э.	Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти	360 000,0		Тиббиёт чиқиндилари ҳосил бўлган жойида инновацион экологик тоза усулда зарарсизлантиришга эришилади.
<b>Жами:</b>				<b>3 294 565,16</b>		
1	Бухоро вилоятида гранулали омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Орипов М.А.	"Novator chorvador" МЧЖ	454 000,0	142 960,0	Лойиҳани амалга ошириш жараёнида қорамолларни боқиш учун берилаётган дағал хашак, омихта ем ва қўшимчалардан иборат кунлик рацион ўрнини босувчи бой таркибга эга ва чорва организмга тез сингиб кетадиган бўрдоқига боқиладиган ва сут йўналишидаги қорамоллар учун гранула кўринишидаги омихта ем ишлаб чиқарилади.
2	"Ангрен ва Янгиангрен иссиқлик электр станциясининг техноген чиқиндиларидан инновацион том ёпиш қопламаси (шифер) ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш"	Мухамедов Г.В.	"СТРОЙ КАРАТ ДПК" МЧЖ	1 340 000,0	5 500 000,00	Ангрен ва Янгиангрен иссиқлик электр станциясининг техноген чиқиндиларидан инновацион том ёпиш қопламаси (шифер) ишлаб чиқариш технологиясининг тижоратлаштиришга тайёрлаш.
3	"Иссиқлик электростанцияларининг саноат чиқиндилари (золошлак)дан фойдаланиб янги инновацион қурилиш материали золобетон блоклари ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш"	Мамараимов А.	"СТРОЙ КАРАТ ДПК" МЧЖ	1 360 000,0	3 500 000,00	Иссиқлик электр станциясининг техноген чиқиндиларидан инновацион золобетон блоклари ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш



4	"Доривор ўсимликлар экстрактлари асосида биологик фаол моддалар субстанцияларини олиш илмий лаборатория базасини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш"	Тиллабоев Ё.У.	"YUMA GREEN" МЧЖ	1 076 500,0	3 857 500,00	Лаборатория усулида олинган ўсимликлар экстрактларини кичик саноат ҳажмида олишни экспериментал ускуналар ёрдамида йўлга қўйиш
5	Маҳаллий хом ашёдан линол кислотаси ишлаб чиқариш технологияси	Маматкулов Ш.И.	Материалшунослик институти таъсисчилиги асосида ташкил этилган "ISTTECH" МЧЖ	1 000 000,0		Масхар ўсимлиги ёғларидан линол кислотаси олиш технологияси яратилади ва саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.
6	Олтинсой туманида пекан ёнгоғи кўчатларини кўпайтириш ва плантацияларини барпо қилиш	Мирзаев А.Э.	"Анорхол момо ва Сардор" фермер хўжалиги	500 000,0	45 016,61	Пекан ёнгоғининг ҳосилдор, совуққа, иссиққа ва қурғоқчиликда, касаллик ва зараркундаларга чидамли навлари Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали мутахассислари томонидан танлаб олинади ҳамда Олтинсой туманида жойлашган "Анорхол момо" фермер хўжалиги ҳудудида 10 гектар майдонда кўчатзор барпо қилиниб, саноатбоп навли кўчатлари етиштирилади, шунингдек етиштирилган пекан кўчатларидан сифатли ёнгоғмевали маҳсулот етиштириш мақсадида пекан плантациялари барпо қилинади, мамлакатимизнинг жанубий минтақаларида ушбу ёнгоғ турини кўпайтириш имкониятлари ошади.
7	Кремнийли диод термодатчикларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш	Абдулхаев О.А.	Физика-техника институти	1 500 000,0		"FOTON" АЖ мавжуд технологик линиялари асосида импорт ўрнини босувчи, энергия тежамкор, экспорт бозорларида рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли замонавий тайёр маҳсулотлар (термодатчиклар) ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.
8	Узумнинг истиқболли (Оқ дум) навларини in vitro усулида кўпайтириш орқали ишлаб чиқаришга жорий қилиш	Убайдуллаева Х.А.	Ўз РФА Геномика ва биоинформатика маркази	1 000 000,0		Республика узумчилик тармоғини соғлом кўчатлар билан таъминлаш мақсадида соҳага илм-фан ютуқларини, биотехнологик услубларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришга кетадиган вақтни қисқаришига, соғлом кўчатлар билан тоқзорларни тўлдириш ва янги тоқзорлар барпо қилиш каби имкониятларни қўллаш. Дунё боғдорчилигининг кўчатлик амалиётида биотехнология услублари кенг қўлланилиб, шулардан энг машхури in vitro усули хисобланади. in vitro усули охириги йилларда янги ноанъанавий боғларни барпо этишда қўлланиб келинмоқда. In vitro усулининг устун жиҳатларидан яна бири шундаки, йил мавсумига боғлиқ бўлмаган ҳолда, кичик лаборатория шароитида кўплаб соғлом касалликлардан холи микроқаламчалар ўстириш имконини беради. Навоий вилояти Кармана тумани узумчилик тармоғида аграр сектор корхона, дехқон ва фермер хўжаликлари, кластерлари талабини нафақат сон жиҳатидан балким, сифат жиҳатидан ҳам нав тозалиги кафолатланган (Махсус маркерлар ёрдамида паспортизация қилинади), вируслардан холи узум кўчатлари билан таъминланади. Бу эса 10 000 дона сертифициланган, нав тозалиги юқори бўлган ( Оқ дум) узум қаламчалари етказиб берилади.
9	Ишсиз ёшларни интернет орқали пул ишлашга ўргатиш	Арзиев Н.Р.	Sensorika МЧЖ	1 120 000,0		Ўқув курсларини бепул тамомлаган 500 нафар, пуллик тамомлаган 650 нафар ўқувчи мустақил равишда фрилансерлик соҳасида даромад опади.

10	Маҳаллий ҳомашёлар асосида суперпластикаторлар олиш технологияси	Каримов М.У.	"INDUSTRIAL GLOBAL GROUP" МЧЖ	600 000,0	400 000,00	Суперпластикаторлар импортини қисқартириш ва республика эҳтиёжини камида 15-20 фоизини таъминлаш
11	Янтоқ ва беда ўсимликларидан грануланган ем ишлаб чиқариш	Суванов А.А.	"KARMANA HASAN BARAKA" МЧЖ	850 000,0	5 822 100,00	Жамият ўз эҳтиёжлари учун, шунингдек импорт ўрнини босувчи юқори сифатли, арзон озуқа маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Туркия давлатининг "Enkur" компаниясининг Pellet (гранула) ишлаб чиқариш линияси жорий этилади.
12	Янтоқ ва қамишдан фойдаланиб ҳамда Гидропоника усулида тайёрланадиган маҳсулот асосида чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик хўжаликлари учун инновацион ем ишлаб чиқариш	Астанов Р.Х.	"Shaxinabonu Xazina Barakasi" МЧЖ	1 400 000,0	2 000 000,00	Экстурдация қилинган янтоқ, қамиш қабди маҳсулотлар Гранулла шаклига келтирилиб чорвачилик, қўйчилик, балиқчилик, паррандачилик соҳаларида омухта ем тез ҳазм бўлувчи озуқа ҳамда Гидропоника усулида етиштирилган яшил озуқа, ҳозирги даврда ўсувчи ва сут берувчи ҳайвонларни сезиларли даражада ўзгартиради. Бу маҳсулотлар ички бозор ва ташқи бозорда ўз ўрнини эгаллайди.
<b>Жами:</b>				<b>12 200 500,00</b>	<b>21 267 576,61</b>	
1	Калифорния чувалчанги асосида табиий биогомус ишлаб чиқариш	Йўлдашев А.А.	"Oltiriq Innovatsiya" МЧЖ	295 700,00		Қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори натижаларга эришиш, ердан унумли ва мақсадли фойдаланиб ҳо, ишсиз ёшларни бандлигига қўмаклашиш ҳамда табиий изиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга қўмаклашиш. Кейинчалик соҳани янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига қўмаклашиш.
2	Соё донидан сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини тизимли лойиҳалаш	Кадирова Н.Б.	"FERPI INNO" МЧЖ	700 000,00		Лойиҳанинг моҳияти шундаки, ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизга талаб жуда катта, сабаби Соё уруғини оқсилдан 400 дан зиёд турли хил саноатда, қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқат саноатида, медицина косметикада ва техникада ишлатиладиган экологик тоза инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган бир қатор маҳсулотлар олинади. Бир кг соё донидан одамлар учун 4-5 литр сут олинади. Бир кг соё донидан бузоқлар учун 8-10 литр сут олинади. Соё мойи энг сифатли тоза мой. Соё ундан нонга 20% қўшилса ноннинг тўйимлигини 2 бараварга оширади. Соё тупроқ унумдорлигини оширади. Ўзидан кейин 1 гектар ерга 55-56 кг соф азот қолдириб кетади. Соё мойини таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар мавжуд, линолевкй кислота ёғ кислоталарининг массасининг 50% ни ташкил қилади. Бу эса инсон организими қон таркибидаги холестерин миқдорини камайтиришга ёрдам беради. Мева, сабзавот ва донларда топилган айрим фотохимёвий антиканцерогенн хусусиятларга эга ва саратон ривожлантиришнинг олдини олиш учун стероид гармонлар ёки простагландин метабализимасига оксидатив зарар етказиши мумкин. Изофлавонлар бундай моддаларнинг синфларидан бирига киради, улар катта миқдорда соё донида мавжуд. Соё сути ишлаб чиқариш линияси жорий қилинади.
3	Тесқари осмос технологияси асосида сув филтёрлари ишлаб чиқариш	Собиров Ж.А.	"Turon Komplekt" МЧЖ	850 000,00	488 620,00	Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг, Республикада илк бор Тесқари осмос технологияси асосида инновацион сув тозалаш филтёрлари ишлаб чиқарилади. - Маҳсулот импорт ўрнини қоплаб, бозордаги рақобатчилар маҳсулотларидан устунлик томонлари мавжудлиги сабабли тўлиқ рақобатлаша олади. - Анъанавий бизнесдан фарқли равишда, мураккаб функцияли ва юқори технологияли маъмур инновацион лойиҳанинг самарадорлиги юқори дарвжада бўлиши кутилмоқда.
4	Ромитан тумани Чўл худудида доривор ўсимликларидан хом ашё етиштириб, уруғчилигини барпо этиш	Нажмиддинов Ж.Н.	Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлари уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази	314 130,00		1. Ўсимликлардан ярим тайёр хом ашё маҳсулотлари олиш ва уларни қайта ишлашга йўналтириш. 2. Ушбу ўсимликларни экиш ва био технологиясини яратиш.
5	Ишлатилган шиналарнинг қайта ишланган маҳсулотлари асосида сув ўтказмайдиган "RUBISOL-B" қопламалар ишлаб чиқариш	Тантаев Э.Б.	"RUBISOL-B" МЧЖ	1 500 000,00	1 445 424,00	Лойиҳа қуввати кунга 4 тонна сув ўтказмайдиган "RUBISOL" ишлаб чиқариш.
<b>Жами:</b>				<b>3 659 830,00</b>	<b>1 934 044,00</b>	
1	"Хикол ва Хиплос куён зотларини инновацион технологиялар асосида худудий иқлим шароитларига генетик мослаштириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламида "хонадонбай" усулда кўпайтириш, унинг замонавий селекциясини яратиш"	Халилов Гафуржон Ақилбек ўғли	"IBRA-KROL" МЧЖ	1 358 200,00		Лойиҳа доирасида яратиладиган иновацион куёнхона модели туман ёшлари бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка йўналтиришда (ойлик ўртача 10,0 сўм соф даромад) ва ер ости куёнхона технологияси эса кам таъминланган оилалар даромадини оширишга хизмат қилади (ойлик ўртача 2,0-2,5 сўм соф даромад).
2	"Hotspot" технологиясига асосланган дастурий таъминот ёрдамида Ulink.uz платформаси негизда симсиз интернет биллинг тизимини Чуст инновацион худудида жорий этиш"	Одилов Жаҳонгир Олимжон ўғли	"ICT manager"МЧЖ	500 000,00		Лоиҳадан кутилаётган натижа Wi-Fi тармоғини аҳолига бепул тарқатиш; тадбиркорлик субъектларига ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиш эҳтиёжи мавжуд шахсларга пуллик таърифларни сотиш орқали фойда олиш; бундан ташқари маҳаллий тадбиркорларга ўз товар ва хизматларини тармоқда реклама қилиш имкониятини яратиш ва ушбу хизматдан фойда олиш.
3	"Одам касалликларига қарши калифорния чувалчангидан зардоб ишлаб чиқариш"	Нурова Замира Аннакулова	"Азам-Зарин" оилавий корхонаси	599 400,00	20 000,00	Калифорния чувалчангидан олинган биогумус ер ҳосилдорлигини оширади ва узидан зарарли қолдиқлар қолдирмайди. Чувалчанглардан олинган зардоб эса 100 дан ортиқ касалликларга даъво бўлиб у молиявий жихатдан анча хамёнбоб ва жуда эффектив ҳисобланади шунинг учун уларни олиш йўллари ўрганиб чиқилади.
4	"Ресурс тежамкор оҳорловчи полимер-композициялар яратиш ва тўқимачилик корхоналарида жорий этиш технологияси"	Амонов Мухтор Раҳматович	"Sharq Business Solution" МЧЖ	492 400,00	43 000,00	Ресурс тежамкор оҳорловчи полимер-композиция
<b>Жами:</b>				<b>2 950 000,00</b>	<b>63 000,00</b>	
1	Маҳаллий шароитда етиштирилаётган товар балиқ маҳсулоларининг чиқиндисидан балиқ уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш"	Маматкулов Маматкул Хамрақуловия	"КМК-1" хусусий корхонаси	587 290,00		Балиқ чиқиндисидан балиқ уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади.
2	"Шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда Амарант ўсимлигидан оптимал фойдаланиш учун зарур бўлган озуқа баъзасини яратиш"	Сайдалиев Бобир Махамдалиевич	"AGRO FOOD SUPPLY" МЧЖ	100 000,00		- Шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади - Амарант ёрмаси озиқ-овқат саноатида бугдой унига қўшимча сифатида ишлатилади. - Экспортбоб амарант мойи олинади. Амарант дони ва мойи фармацевтика учун хом ашё сифатида фойдаланилади ва экспорт қилинади. - Чорвачилик учун тўйимли юқори калорияга эга омухта ем тайёрланади.
3	"Тупроқнинг физик-химёвий таркибини таҳлил қилиш лабораториясини ташкил этиш"	Усмонов Турғун Тилакович	"Soil Bio Lab" МЧЖ	752 397,00		Лойиҳа амалга ошириш натижасида тупроқнинг таркибидаги органик моддалар, уларнинг физик-химёвий таркибини ўрганиш орқали кириб келаётган номаълум касалликларни аниқлаш ва уларга қарши чора кўриш, ерларни шўрланиш даражасини яхшилаш, киритиладиган минерал ўғитлар сарфини илмий ососланган ҳолда камайтириш, сўғориладиган сувларнинг экинлар ва тупроққа таъсирини аниқлаш ва энг асосийси тупроқнинг таҳлилига кўра худудларнинг тупроқ харитасини тузиш ва натижада қишлоқ хўжалик экинларини оқилана жойлаштириш имконияти яратилади.
<b>Жами:</b>				<b>1 439 687,00</b>		

				46 621 276,67	3 845 244,00	
--	--	--	--	---------------	--------------	--